

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВА ЯЙРА МАХМУДОВНА

**ТАРКИБИДА НИКЕЛЬ НАНОЗАРРАЧАЛАРИ БЎЛГАН
КОМПОЗИЦИОН КЕРАМИК МАТЕРИАЛЛАРНИ ЭЛЕКТР
ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
физико-математическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Рахимова Яйра Махмудовна

Таркибида никель нанозаррачалари бўлган композицион керамик
материалларни электрофизик хусусиятлари..... 5

Рахимова Яйра Махмудовна

Электрические свойства композиционных керамических материалов,
содержащих микро- и наночастицы никеля..... 24

Rakhimova Yayra Makhmudovna

Electrical properties of composite ceramic materials containing micro-and
nanoparticles of nickel..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВА ЯЙРА МАХМУДОВНА

**ТАРКИБИДА НИКЕЛЬ НАНОЗАРРАЧАЛАРИ БЎЛГАН
КОМПОЗИЦИОН КЕРАМИК МАТЕРИАЛЛАРНИ ЭЛЕКТР
ХУСУСИЯТЛАРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/FM171 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетда бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдурахманов Умарбек
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Ашуров Мухсинжон Хуррамович
физика-математика фанлари доктори, профессор, академик
Ташмухамедова Дилноза Артикбаевна
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улугбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-41; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улугбек кўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2020 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



М. Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.Б.Игамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

И. Нуритдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги пайтда дунёда таркибида металл нанозаррачалари бўлган бир жинсли бўлмаган моддалар асосидаги махсус ва муҳим амалий электрофизик хусусиятга эга бўлган материалларни яратиш борасида олиб борилаётган назарий ва экспериментал изланишлар сони, мавжуд компакт материаллар хоссаларидан деярли тубдан фарқ қилувчи бундай боғланишларнинг улкан физик характеристикалари туфайли, сезиларли даражада ортди. Бир жинсли бўлмаган тизимлар қаторида таркибида микро- ва нано металл заррачалари бўлган электр ўтказувчан керамик материаллар катта амалий потенциалга эга. Металл заррачаларининг маълум критик концентрацияси V_c (оқиш чегараси)да бундай системаларнинг электр, иссиқлик, магнит ва бошқа хоссалари тез ўзгаради.

Бугунги кунда таркибида металл нанозаррачалари бўлган керамик материалларни ўрганиш соҳасида етарли муваффақиятга эришилганига қарамасдан, уларни амалий қўлланилиш соҳаси маълум даражада чегараланган. Бу уларда содир бўлаётган кўпгина физик ҳодисалар сабабларини ҳозиргача тушунтириб берилмаганлиги билан боғлиқ. Таркибида металл микроразрачалари бўлган бир жинсли бўлмаган материалларнинг электр ўтказувчанлиги ва диэлектрик сингдирувчанлиги классик перколяцион назария орқали яхши тушунтирилади. Бирок перколяцион соҳадан пастда тасодифий тарзда диэлектрик матрицада тақсимланган металл нано зарраларидан ташкил топган материаллар электр хоссаларини таърифлашда классик перколяцион назарияни қўллашда айрим муаммоларга дуч келинади, яъни уларнинг ўтказувчанлиги бу назария билан ҳисобланган ўтказувчанликдан фарқ қилади. Бу номуносибликни ўрганиш шу соҳа тадқиқотчиларининг асосий вазифаларидан биридир. Оқувчанлик чегараси соҳасида заряд ташувчилар электрофизик хоссаларининг ўзгариш қонуниятлари ҳамда уларнинг электр ўтказувчанлик механизми яхши ўрганилмаган. Заряд ташувчиларнинг ўтказувчанлик ҳолатини тушунтирувчи структуранинг энергетик модели таклиф этилмаган, ҳамда бундай системаларда чексиз кластер топологияси ўрганилмаган. Бундай муаммоларнинг ечими таркибида микро- ва нано металл заррачалари бўлган бир жинсли бўлмаган системаларда заряд ташувчиларининг структураси ва ўтказувчанлик механизми ҳақида яққолроқ тасаввурлар ҳосил қилиш, ҳамда улардан амалда фойдаланиш мумкин бўлган соҳаларни аниқлаш имконини беради.

Республикамызда илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, материалларнинг янги авлодларини яратиш вазифаларига катта эътибор берилмоқда. Ушбу материаллар орасида керамиканинг янги турлари энг муҳим ўринни эгаллайди. Ўрганилаётган материалларнинг матрицасида нанокристалларнинг шаклланиши, улар асосида турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш, энергетика ва машинасозлик соҳаларида, шунингдек, ушбу йўналишда жаҳон миқёсида фундаментал тадқиқотлар ўтказиш имконини

беради. Таркибида никель нанозарралари бўлган композицион керамик материаллар асосида олинган фундаментал натижалар катта аҳамиятга эга ва мамлакатимизда фанни ривожлантириш ва уни кўллаш учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сон «2017-2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таркибида металл нанозарралари бўлган композит материаллар ишлаб чиқариш ва электрофизик хусусиятларини ўрганиш бўйича экспериментал ва назарий тадқиқотлар таниқли маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилмоқда, шу жумладан: хитойлик (Gui Zhilun, Qi.Jianquan, Li.Longtu), корейлик (J.Y.Lu, S.H.Hong, J.H.Lu, J.Y.Choi), ҳиндистонлик (A.Jana, S.K.Prahan, D.Charravarty, R.N.Choudhary), россиялик (А.А.Афанасьев, Н.И.Борисенко, Н.В.Назарова, В.Н.Гульбин, В.А.Попов, С.Н.Кульков, С.П.Буякова, С.П.Губин), ўзбекистонлик (М.Каримов, И.Нуриддинов, А.А.Холмўминов, Д.Тулаганов, С.С.Нигматов, Б.Э.Умурзаков, З.М.Ҳакимов, М.У. Каланов, Э.М. Ибрагимова, С. Курбонов) ва бошқа мутахассислар.

Ҳозирги вақтда адабиётларда чет эл олимларининг қатор ишлари пайдо бўлдики, уларда перколяцион чегарадан пастда таркибида (Fe;Ni) нано металл заррачалари бўлган бир жинсли бўлмаган материаллар (матрицаси керамика, полимер, шиша) ўтказувчанлигини перколяцион назария доирасида тушунтириб бўлмаслиги кўрсатилган. Бу муаммо I.Balberg [Balberg I., Azulay D., Toker D., Millo O. Percolation and Tunneling in Composite Materials // Int. J.Mod. Phys. B - 2004.- vol.18. –pp. 2091-121] ва бошқаларнинг мақоласида етарлича аниқ муҳокама қилинган. Бу мақолада таркибида ўтказувчан микро- ва нано заррачалар бўлган бир жинсли бўлмаган материаллар ўтказувчанлигини ўрганишнинг охириги 30 йиллик

¹ 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

натижалари муҳокама қилинган. Металл нанозаррачали композитлар ўтказувчанлиги фазовий- структуравий иерархик модель тушунчасида муҳокама қилинади, яъни, у классик перколяцион назария билан тушунтириладиган металлларнинг бир-бирига яқин заррачалари орасида заряд ташувчиларнинг туннеллашуви билангина аниқланмай, металлларнинг бир-бирига яқин бўлмаган заррачалари орасидаги заряд ташувчиларининг туннеллашуви билан ҳам аниқланади деб тушунтирилади.

Бироқ ушбу тадқиқотни ўтказишдан олдин бир хил миқдорли, аммо металл заррачаларининг ўлчами турлича бўлган намуналар бўйича юқорида айтиб ўтилган И. Балберг фикрларини тасдиқловчи экспериментал натижалар етишмас эди. Бундай материалларнинг электрофизик хоссаларининг ҳолатини нанозаррачалар миқдорига боғлиқлик қонуниятлари ўрганилмаган эди. Шунингдек, бундай тизимларда оқувчанлик чегараси соҳасида диэлектрик сингдирувчанлигининг заррача ўлчамига боғлиқлик ҳолатини кўрсатувчи натижалар етишмайди. Металл нанозарраларидан ташкил топган композитлар электрофизик хоссаларининг нанодисперс тўлдирувчи миқдорига боғлиқлик қонуниятлари ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий Университети илмий-тадқиқот режасининг А-12-101 “Таркибида металл нанозарралари бўлган керамик материаллар асосида иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи тажриба намуналарини ишлаб чиқиш: уларни кичик серияларда ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ташкиллаштириш”(2003-2005), ОТ-Ф2-050 “Оқувчанлик чегараси соҳасида металл заррачаларидан таркиб топган композицион материаллар электрофизик хоссалари”(2007-2011) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оқувчанлик чегараси соҳасида таркибида никель микро- ва нано зарралари бўлган композицион керамик материалларни электрофизик хусусиятларининг қонуниятларини ўрнатиш, уларда заряд ташувчиларнинг электр ўтказувчанлик механизмини аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таркибида микро- ва нано никель зарралари бўлган композицион керамик материалларни олиш;

олинган композитларнинг электр ўтказувчанлик, диэлектрик сингдирувчанлик, иссиқлик ўтказувчанлик ва термоЭЮК ларини никель микро- ва нано заррачалари миқдорига боғлиқлигини аниқлаш;

чексиз кластер топологиясини никель зарралари миқдорига боғлиқлигини аниқлаш;

олинган композитларни амалда қўллаш мумкин бўлган соҳаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таркибида никель микро- ва нано зарралари бўлган композит керамик материаллар олинган.

Тадқиқот предмети таркибида никель микро- ва нано зарралари бўлган композит керамик материалларнинг электрофизик хусусиятлари деб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари: кичик бурчакли рентген нурланиш дифракцияси, ёритувчи электрон микроскопия усули, электр қаршиликни, диэлектрик сингдирувчанликни ўлчаш ва иссиқлик ўтказувчанликни ўлчагичлар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

таркибида микро- ва нанозарралари бўлган керамик композит материалларни олиш усуллари ишлаб чиқилган;

таркибида нанозарралари бўлган керамик композит материалларда заряд ташувчиларнинг электр ўтказувчанлиги сакраш механизми орқали тушунтирилиши асосланган;

перколяцион чегара соҳасида таркибида никель микро- ва нано зарралари бўлган композит керамик материалларда электр ўтказувчанлик, диэлектрик сингдирувчанлик ва термоЭЮК ўзгариш қонуниятлари ўхшаш бўлиб, критик характерга эга эканлиги аниқланган;

биринчи маротаба композицион керамик материаллар электр ўтказувчанлиги ва диэлектрик сингдирувчанлигининг никелнинг нанозарраларига боғлиқлигидан перколяцион чегаранинг икки тури аниқланган: биринчиси классик оқиш назариясини кўрсатувчи V_c қийматда, иккинчиси $V_{cd} < V_c$ туннел боғланган чексиз кластер ҳосил бўлишида кузатилган;

керамик материалларда ҳосил бўлган чексиз кластернинг скелети, тармоқларининг ҳажмий миқдори, зичлиги, эгрилиги тўлдирувчи нанозаррачаларининг ҳажмий миқдorigа боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нанокомпозитларда перколяцион чегарадан паст бўлган соҳада диэлектрик ўтказувчанликнинг юқори қиймати ва термоЭЮКнинг нисбатан юқори қиймати аниқланган;

таркибида микро- ва нанозарралари бўлган керамик композит материалларнинг физик хусусиятларини тушунтирувчи структуранинг энергетик модели таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик усуллардан фойдаланиб натижаларни перколяцион назария ҳамда математик таҳлил ёрдамида қайта ишлаш, шунингдек, мутахассисларни эксперт баҳолари, ва олинган натижаларни тасдиқлаш, амалда қўллаш учун хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар заряд ташувчилар ўтказувчанлик механизми ҳақидаги тасаввурни кенгайтиради ва таркибида металл нанозарралари бўлган бир жинсли бўлмаган материалларни структурасини ва физикавий хоссаларини тушунтиришга имкон бериши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қайта ишланган таркибида никель нанозарралари бўлган керамик материалларни иссиқлик энергиясини электр энергиясига айлантириб берувчи электротехника учун зарур, ҳамда бошқариш мумкин бўлган нисбатан юқори қийматли диэлектрик сингдирувчанликга эга элемент сифатида фойдаланиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таркибида никель нанозарралари бўлган композицион керамик материалларни электрофизик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

таркибида никель микро- ва нано зарралари бўлган композицион керамик материалларни олишнинг усуллари ва улардаги заряд ташувчиларнинг электр ўтказиш механизми, шунингдек, бундай тизимларда никель зарраларининг ҳажмига қараб чексиз кластер скелети ва ўлик учларининг ҳажмий миқдори, зичлиги, эгрилигига боғлиқлиги ОТ-Ф2-050-рақамли «Оқувчанлик чегараси соҳасида таркибида металл нанозарралари бўлган композит материалларнинг электрофизик хоссалари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 декабрда берилган 89-03-5162-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши радио кабул қилувчиларни қувватлантириш учун этарли бўлган 6 В кучланишни олиш учун конверторларни улаш шартларини ишлаб чиқишга имкон берган;

перколяция чегара соҳасида таркибида никель микро- ва нано зарралари бўлган композит керамик материалларда электр ўтказувчанлик, диэлектрик сингдирувчанлик, иссиқлик ўтказувчанлик ва термоЭЮК ҳолатларининг ўрнатилган қонуниятлари халқаро олимлар томонидан (халқаро илмий журналларда Journal of the American Ceramic Society, 2010; Journal of the European Ceramic Society, 2018; Metallurgical and Materials Transactions A, 2014; http://digitalcommons.wayne.edu/oa_dissertations, 2014; MRS Advances, 2019; DOE Hydrogen Program, 2009; Computer modeling in engineering and sciences, 2008) заряд ташувчиларнинг электр ўтказувчанлик механизмларини, нано ўлчамли заррачали композитлар хоссаларини тушунтиришда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши мураккаб структурага эга ноёб хусусиятли нанокompозит материалларни олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари асосланган бўлиб, натижаларнинг янгилик даражаси, илмий ва амалий аҳамияти белгиланган. Ҳимояга олиб чиқилган асосий ҳолатлар келтирилган. Тадқиқотларнинг Республикамизда фан ва технологияларни ривожининг асосий устувор йўналишлар билан боғланиши кўрсатиб берилган. Муаммони ўрганилганлик даражаси муҳокама қилинган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, объектлар танланган, тадқиқот предмети аниқланган ва тадқиқот усуллари тавсифлаб берилган. Ишнинг илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган. Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Диссертация ишининг апробацияси ҳамда ишнинг ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқа маълумотлар келтирилди.

Диссертациянинг **«Композицион керамик материаллар»** деб номланган биринчи боби таркибида нанозарралар бўлган керамик материалларни ўрганиш усуллари ёрдамида композицион керамик материалларнинг электрофизик хоссалари бўйича олиб борилган ишлар, ҳамда бир жинсли бўлмаган тизимлар ўтказувчанлик механизмининг классик ва замонавий назарияси бўйича адабиётлар шарҳига бағишланган. Металл нанозарралари ва уларнинг асосий хусусиятларини ўз ичига олган керамик материалларни олишнинг турли усуллари чоп этилган жаҳон адабиётлари кўриб чиқилди. Ушбу ишларни вазифалари ва мақсадларини шакллантириш асосида ҳал этилмаган муаммолар аниқланди..

Диссертациянинг иккинчи боби **«Намуналар баёни ва тадқиқот усуллари»** деб номланиб тадқиқотлар объекти ва усулини танлашга бағишланган. Ишда тадқиқот объекти сифатида қуйидаги таркибга эга бўлган маҳаллий керамика олинган: SiO_2 –61.72, Fe_2O_3 –3.87, Al_2O_3 –12.52, CaO –13.48, MgO –0.94, Na_2O –1.78, K_2O –0.72, MnO –0.07, аралашмалар–4.9.

Ўлчашлар учун икки хил композит тайёрланди. Улардан бири – таркибида никель нанозарралари бўлган керамик композитдир. Иккинчиси эса – таркибида никель микрозарралари бўлган керамик композитдир.

Никель нанозарралари бўлган керамик материаллар аввалдан керамика билан аралаштирилган никель формиатини термик парчалаш йўли билан тайёрланди. Аралаштиришлар тош шарли тегирмонда 7 соат давомида бажарилди. Термик парчалаш вакуумда 400°C температурада 5 соат давомида олиб борилди.

Маълумки, кичкина бурчакли рентген нурларини сочиш усули, ўлчамлари атомлараро масофалардан ошувчи, 5-10 дан 10^4 Å гача бўлган бир жинсли бўлмаган моддаларни ўрганишга имкон беради. Никель нанозарраларининг ҳажми бу йўл билан аниқланмайди, чунки Si, Fe, Al ва бошқа керамик компонентларнинг зичлиги ва никель нанозарраларининг зичлиги яқин. Шу сабабли, шунга ўхшаш тарзда таркибида никель формиати бўлган полимер композитлари олинган. Никель формиати тузларининг фенилон асосида иссиқликка бардошли полимерда парчаланишидан ва КРМ-

1 туридаги рентген нурли кичик бурчакли камерадан фойдалангандан сўнг, композитлардаги никель зарраларининг радиуси ҳисобланди, уларнинг диаметри ~ 20 нм дан ошмади.

Таркибида никелнинг микродисперс зарралари бўлган керамик материаллар керамикага никель кукунини тошли агат тегирмонида 7 соат давомида аралаштириш йўли билан олинди. Фойдаланилган кукундаги металл заррачалари ўлчами 1 мкм дан 3 мкм гача ораликда эди. Бу BS242E (Тесла) микроскопи ёрдамида, ёритувчи электрон микроскопия усули билан аниқланган. Композитларда никелнинг ҳажмий миқдори 0,02 дан 0,6 гача танлаб олинган. Электр хоссалари диаметри 15 мм ва қалинлиги 2 мм бўлган таблеткалар шаклидаги намуналарда олиб борилган. Намуналар керамик материаллар кукунини 2 Т/см^2 босим остида босиб ва вакуумда 1000°C температурада пишириб тайёрланган. Иккала ҳолларда ҳам металлнинг ҳажмий улуши (V_1), бошланғич металл таркибли брикмадаги металл концентрациясидан келиб чиқиб ҳисобланган. Композитлардаги металл нанозарраларининг ўлчамларини аниқлаш учун КРМ -1 туридаги кичик бурчакли рентген камераси қўлланилди. Композитлардаги металл нанозарраларининг диаметри 30 нм дан ошмаслиги аниқланди.

Намуналарнинг электр қаршиликларини ўлчаш ёрдамида уларнинг σ ўтказувчанлиги аниқланди. Бунинг учун ўрганилаётган намуналар сиртига вакуумда пуркаш йўли билан диаметри 13 мм бўлган металл электродлар шакллантирилди. Қаршиликларни ўлчашда икки ўлчов асбобидан фойдаланилди: $10 - 10^{13}$ Ом ораликдаги қаршиликларни ўлчаш учун (Е6-13А, Россия) омметри ва $10^9 - 10^{16}$ Ом ораликдаги қаршиликларни ўлчаш учун (В7-30, Россия) омметри. Ўтказувчанликни ўлчашдаги хатолик 1-7 % ни ташкил қилди.

Статистик диэлектрик сингдирувчанлик (ϵ)ни, ϵ нинг 20-200 Гц ораликдаги частотавий боғлиқлигидан фойдаланиб, бу боғлиқликни нолинчи частотага экстраполяция қилиш йўли билан олинди. Диэлектрик сингдирувчанлик катталиги композитлар сиғимларини ўлчаш орқали топилди. Намуналарнинг сиғими синусоидал тўлқинлар генератори (G3-33, Россия) ва нулиндикатор (F510, Россия) ларни қўллаб, сиғимлар кўприги (Е8-2, Россия) ёрдамида ўлчанди. Статик диэлектрик сингдирувчанликни ўлчаш хатолиги ~ 2 % ни ташкил этди.

Иссиқлик ўтказувчанлик коэффицентини ИТЭМ -1 турдаги асбоб (иссиқлик ўтказувчанликни экспресс-усул билан ўлчаш) ёрдамида квазистационар қиёслаш усули орқали хона температурасида аниқланди; асбоб намуна орқали сингувчи иссиқлик оқимини ва ундаги температуралар тушишини ўлчашга асосланган.

Термоэлектрик ўлчашлар хона температурасида оддий усул билан ўтказилди.

Металл зарраларининг электр ўтказувчанлигини σ_m аниқлаш учун металл зарраларининг ўтказувчанлигини босимга (P) боғлиқлиги аниқланди. Бунинг учун биз томондан махсус ишлаб чиқилган кукунсимон намуналарга белгиланган босим берувчи, кичик ҳажмли автоном камерадан фойдаланилди.

Босимни $1,5 \cdot 10^2$ МПа гача орттирганимизда σ кескин ортди, босим P ни кейинги орттириш никель заррачалари электр ўтказувчанлигининг монотон ортишига олиб келди.

Шунга ўхшаш ишларда замонавий физик услублар билан никель зарраларининг морфологияси батафсил ўрганилган. Ушбу ишда никель зарралари оксид юпқа қатлами билан қопланганлиги кўрсатилди. Босимнинг (P) қиймати $1,5 \cdot 10^2$ МПа га оширилганда σ нинг кескин ортиши оксид қатламининг узилиши ва куқуннинг зичланиши натижасида никель зарралари орасида контакт доғларининг пайдо бўлиши билан тушунтирилади.

Босимнинг кейинги қийматлари контакт доғлар майдонининг ошишига олиб келади. Бундан ташқари, босимнинг камайишида оксид қатламининг узилиш жойларида никель заррачаларининг ўзаро ёпишиши билан боғлиқ бўлган σ нинг гистерезиси кузатилади. Оксид қатламининг турини аниқлаш учун биз, 10^{-3} Торр вакуумда белгиланган босимларда никель зарраларини электр ўтказувчанлигининг температуравий боғланишини ўргандик. σ нинг температуравий боғланиш характери яримўтказувчан эканлигидан ушбу оксид қатлами яримўтказувчан ҳисобланади. Босим (P) $1,25 \cdot 10^7$ Па дан $7 \cdot 10^7$ Па гача ортиши билан куқунларнинг зичлашуви натижасида оксид қатламининг қалинлигини камайиши ҳамда никель зарралари орасидаги заряд ташувчиларнинг туннеллашуви эҳтимоллигини ортиши эвазига электр ўтказувчанликнинг σ активлашиш энергияси $0,21$ эВ дан $0,03$ эВ гача камаяди.

Диссертациянинг «**Таркибида никель микро ва нанозарралари бўлган композит керамик материалларнинг электр ва иссиқлик хоссалари**» деб номланган учинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, таркибида никелнинг микро- ва нанозарралари бўлган керамик материалларнинг электр ўтказувчанлиги, диэлектрик сингдирувчанлиги, иссиқлик ўтказувчанлиги ва термоЭЮКларнинг концентрацион боғлиқлигини, ҳамда бу композитлар чексиз кластерларининг топологиясини ўрганишга бағишланган.

Иккала ўрганилаётган керамик материаллар учун σ нинг никель зарралари концентрациясига экспериментал боғлиқлиги, ҳамда қуйида келтирилган формулалардан фойдаланиб перколяция назария доирасида ҳисоблаб топилган боғлиқлик графиги 1- расмда келтирилган.

1-расмдан кўриниб турибдики, $V_c = 0,15$, $t=1,6$, $q=1$ қийматларига эга бўлганда ҳисобланган $\sigma_d = 1,2 \cdot 10^{-12} \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{м}^{-1}$ ва $\sigma_1 = 2,4 \cdot 10^{-1} \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{м}^{-1}$ ($P=1,5 \cdot 10^2$ МПа да Ni куқунининг σ қиймати) қийматларида экспериментал аниқланган


$$V_1 < V_c \text{ бўлганда } \sigma(V_1) = \sigma_2 (V_c - V_1 / V_c)^{-q} \quad (1)$$

$$V_1 \geq V_c \text{ бўлганда } \sigma(V_1) = \sigma_1 (V_1 - V_c) / (1 - V_c)^t \quad (2)$$

бу ерда σ_1 –металл зарраларининг ўтказувчанлиги; σ_2 -диэлектрик матрицанинг ўтказувчанлиги; V_c –тўлдирувчи зарраларидан биринчи марта чексиз кластер ҳосил бўлгандаги критик концентрация (оқиш чегараси), t ва q -критик индекс параметрлари.

(1) ва (2) формулалар ёрдамида ҳисобланган композитларнинг σ электр ўтказувчанлик қийматида экспериментал натижалар билан мос келмаганлиги кўрсатилган.

Шунинг учун V_c , t , q ва σ_1 ларнинг қийматлари кейинги амалларни бажариш ёрдамида аниқланган. Ўрганилаётган керамик материаллар учун V_c нинг қиймати $\lg \sigma$ ни V_1 бўйича дифференциаллаб топилди. Критик индекслар t ва q экспериментал маълумотлар асосида, уларни $\lg \sigma - \lg[(V_1 - V_c)/(1 - V_c)]$ ва $\lg \sigma - \lg[(V_c - V_1)/V_c]$ координаталардаги графиклар тарзида тасвирлаш орқали, аниқланди, ушбу графикларнинг оғиш бурчаклари айнан t ва q лардир. σ_1 нинг қиймати ушбу графикни $V_1 = 1$ га экстраполяциялаш орқали олинди.



1-расм. Таркибида нанозарралари (тўлдирилган нуқталар, 1-эгри чизик) ва микродисперс заррачалари (бўш нуқталар, 2-эгри чизик) бўлган керамик материаллар учун никель зарраларининг ҳажмий миқдори функцияси (V_1) сифатида ўтказувчанликнинг экспериментал (нуқта) ва назарий (чизик) катталикларини таққослаш. Қўшимча тасвирда $d \lg \sigma / dV$ нинг V_1 га боғлиқлиги (таркибида нанозарралари бўлган материаллар учун тўлиқ чизик, таркибида микродисперс зарралар бўлган материаллар учун штрихли чизик)

Таркибида никель нанозарралари бўлган керамик материаллар учун $V_c = 0,355$; $t = 2,21$ ва $\sigma_1 = 4,3 \cdot 10^2 \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{м}^{-1}$, ва таркибида никель микродисперс зарралари бўлган керамик материаллар учун $V_c = 0,443$; $t = 1,81$; $q = 1,02$ ва $\sigma_1 = 3,2 \cdot 10^2 \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{м}^{-1}$ эканлиги аниқланди. $\lg \sigma - \lg[(V_1 - V_c)/(1 - V_c)]$ координатада графикни экстраполяция қилиб аниқланган σ_1 нинг қиймати, $1,5 \cdot 10^2 \text{ мПа}$ босимда аниқланган σ_1 қийматидан бир тартибга пастда туради. Ушбу натижалар экстраполяция йўли билан олинган σ_1 никель зарраларининг ўтказувчанлиги бўлмай, $V_1 \leq V_c \leq 0,5$ соҳада композитдаги никель зарраларидан ҳосил бўлган чексиз кластерининг ўтказувчанлигидир.

Ўрганилаётган иккала тур композицион материаллар учун назарий ва экспериментал натижалар орасидаги муносиблик $V_I > V_c$ ҳолатда кузатилиши 1-расмда кўрсатилган. $V_I < V_c$ ҳол учун назарий ва экспериментал боғланишлар орасидаги муносиблик фақат таркибида никель микро дисперс зарралари бўлган композит материалларда кузатилади.

Таркибида никель нанозарралари бўлган композит материаллар учун V_c дан паст соҳаларда электр ўтказувчанликка қўшимча ҳажмий миқдор мавжуд. Бу натижалар Балберг ва унинг ҳамкасблари таклиф этган, композитлардаги электр ўтказувчанлик модели асосида тушунтирилиши мумкин. Ушбу моделга асосан, композитлардаги металл зарралар диэлектрик матрицада тасодифий тарзда тақсимланган бўлиб, улар электр боғланган ва композитлар ўтказувчанлиги заряд ташувчиларнинг қўшни зарралараро туннеллашуви каби бир-биридан узоқда жойлашган зарралараро туннелланиши билан аниқланади. Макроскопик ўтказувчанликда бир - биридан узоқдаги зарралар орасидаги туннеллашув ҳажмий миқдори эътиборга олмаса бўладиган даражада кичик бўлса, перколяциявий ҳолат кузатилади. Ушбу ҳолат заррачаларнинг радиуси (b) туннеллашув соҳаси параметрларидан (ёки туннеллашувнинг пасайиши параметри) (d) сезиларли катта бўлганда ўринлидир. $b \sim d$ бўлган ҳолатда қўшни бўлмаган заррачалар орасида заряд ташувчиларнинг туннеллашуви қўшни заррачалар орасидаги туннеллашув қаторида макроскопик ўтказувчанликка ҳисса қўшади ва макроскопик ўтказувчанликнинг металл таркибли заррачалар концентрациясига боғлиқлиги классик перколяцион назария таълимотидан фарқланади.

Композицион материалларда ўтказувчанлик табиатининг ушбу икки турининг ҳосил бўлишида полимер композитлар ва металлокерамика Ni-SiO₂ да локалланган углерод нанотрубкаларини ўрганиш йўли билан намойиш қилинган. Бизнинг ишда олинган натижаларнинг хусусиятлари шундан иборатки ўтказувчанликнинг ушбу икки тури бир хил таркибдаги композитларда ўтказувчанликни текширилаётган композитлардаги металл таркибли заррачаларнинг ўлчамига боғлиқлигини намойиш этиб кузатилишидадир.


Қўшни бўлмаган зарралараро заряд ташувчиларнинг туннеллашувининг электр ўтказувчанликка қўшиладиган ҳиссасига қараб, композитларда иккита перколяциявий чегара мавжуд бўлиши кўрсатилган. Улардан бири V_1 нинг юқори қийматида кузатилади, ва у юқорида аниқланган перколяциявий чегара V_c нинг айнан ўзидир. Бошқаси (қўшимча перколяцион чегара V_{cd}) V_1 нинг кичик қийматларда кузатилиб, у туннелли-боғланган ўтказгичлардан ҳосил бўлувчи дастлабки чексиз кластерини намоён этган металл зарраларининг критик миқдорий ҳажмининг айнан ўзидир. Никель зарраларига эга керамик материал учун экспериментал эгри чизиқнинг (1-расм) ($V_I < V_c$) қисмини (2) – тенглама (бу тенглама перколяцион чегарани V_{cd} деб, критик индексни t' сифатида белгилаб) билан аниқланувчи функционал боғлиқликка мослаб $V_{cd} = 0,145$ ва $t' = 3,2$ эканлигини аниқладик.

Композицион керамик материалларнинг диэлектрик сингдирувчанлиги ϵ нинг концентрацион-частотавий боғлиқлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, ϵ нинг частотага (f) боғланишида 20 дан 10^8 Гц частоталар соҳасида ўзгарувчан майдон соҳаларида икки хил соҳа кузатилади. Паст (20÷200 Гц) частоталарда композитларнинг диэлектрик сингдирувчанлиги ϵ сезиларли камаюди, бундай системаларда f частотанинг 10^8 Гц гача ошиши ϵ нинг f га боғлиқлигини сусайтиради. Композитлардаги ϵ нинг камайиши Максвелл-Вагнернинг конденсатор модели ёрдамида тушунтирилади.

2-расмда ўрганилаётган композитлар учун статик диэлектрик сингдирувчанлик ϵ нинг V_1 га экспериментал ва ҳисоблашлар орқали боғлиқлиги келтирилган. ϵ нинг V_1 экспериментал боғлиқлиги ϵ нинг частотавий боғлиқлигини 20-200 Гц соҳаларда ноль частотага экстраполяция қилиш йўли билан олинган. Назарий боғлиқлиги қуйидаги ифода бўйича ҳисоблаб чиқарилган:

$$V_1 < V_c, \text{ бўлганда } \epsilon(V) = \epsilon_d (V_c - V_1/V_c)^{-q}, \quad (3)$$

бу ерда, ϵ_d - керамиканинг диэлектрик сингдирувчанлиги. Бу ҳисоблашларда σ нинг V_1 га экспериментал боғланишларидан олинган V_c нинг қийматлари қўлланилган.



2-расм. Таркибида нанозарралар (тўлдирилган нуқталар, 1-эгри чизик) ва микродисперс зарралар (бўш нуқталар, 2-эгри чизик) бўлган керамик материаллар учун никель зарраларининг ҳажмий миқдори функцияси (V_1) сифатида диэлектрик сингдирувчанликнинг экспериментал (нуқта) ва назарий (чизик) катталикларини таққослаш


2-расмдан кўришиб турибдики, таркибида никелнинг микроразралари бўлган композит учун ϵ нинг V_1 га экспериментал боғлиқлиги (3) ифода бўйича яхши тушунтирилади. Таркибида никель нанозарралари бўлган композит учун ϵ нинг V_1 га экспериментал боғлиқлиги бу формула билан ҳисобланган боғлиқлик билан мос тушмайди ва перколяцияон соҳадан пастда ётувчи V_1 да ϵ га қўшимча ҳиссани кўрсатади.

Перколяцион соҳа яқинида ϵ нинг кескин ошишининг сифатли интерпретацияси ва электр боғланган фазовий структураларнинг “иерархияси” ҳақидаги физик тасаввурларга таяниб, ўрганилаётган мос композит материалларда σ ва ϵ учун ўхшаш V боғланиш эгри чизиғини эътиборга олиб, биринчи мартаба таркибида никелнинг нанозарралари бўлган композитлар диэлектрик сингдирувчанлиги ҳолати интерпретацияси таклиф этилди.

Таркибида никелнинг микро- ва нанозарралари бўлган композицион керамик материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги аниқланди. Композицион керамик материалларнинг иссиқлик ўтказувчанлигини эффектив муҳит назарияси доирасида келтириб чиқарилган ихтиёрий формула ёрдамида тавсифлаш мумкинлиги кўрсатилди. Композитларнинг термоЭЮКлари қийматларининг никелнинг микро- ва нанозарралари концентрациясига боғлиқлиги ўрганилди. Ўрганилган композитларнинг термоЭЮКлари композицион боғлиқлиги аниқ ифодаланган критик характерга эга (3-расм). Иссиқлик ўтказувчанлик қийматлари бир-бирига яқин бўлган металлнинг электр ўтказувчанлиги σ_1 диэлектрикнинг электр ўтказувчанлиги σ_2 дан анча катта бўлган ҳолларда, яъни $\sigma_m > \sigma_d$ ва $\lambda_m \sim \lambda_d$, α концентрациявий боғлиқлик даражали қонун асосида ифодаланади:

$$\alpha(V) = \alpha_m \left(\frac{V - V_c}{1 - V_c} \right)^{-k} \quad (4)$$

бу ерда $k=0,8 \pm 0,1$, α - чексиз кластернинг термоЭЮК



3-расм. Композиция Зеебек коэффициенти (α) нинг асоси nano (1) ва микродисперс (2) зарралардан иборат бўлган никелнинг хажмий миқдорига боғлиқлиги

Оқувчанлик соҳаси чегарасида σ нинг V_1 га боғлиқлик характерини тасвирлаш учун экспериментал натижалар $\lg \sigma$ нинг $\lg[(V_c - V_1)/(1 - V_c)]$ га боғлиқлик координаталарида қурилди. k критик индекс боғлиқлик эгри

чизиғидан аниқланди, унинг қийматлари мос равишда 0,71 ва 0,80 ни ташкил қилди. k индекснинг қиймати учун олинган натижалар (4) формулага биноан ҳисобланган қийматга мос келади.

Маълумки, оқиш назарияси усуллари қаршилик тўри топологияси (чексиз кластер топологиясини)ни ўрнатиш имкониятини беради. ЧК зичлиги, ЧКга тегишли скелет ва ўлик учларининг ҳажмий миқдорлари, ҳамда уларнинг никель зарраларининг миқдорига боғлиқлиги аниқланди. Оқувчанлик соҳаси яқинида скелетнинг ҳажмий миқдори ўлик учларининг ҳажмий миқдорига қараганда анча кам эканлиги кўрсатилди.

1 - жадвал


Таркибида никель нанозарралари бўлган композитлар учун V_1 тўлдирувчи ҳажмий улушида $P(V_1)$; V_1' ; Z/R ; V_1'' ва V_1''' параметрларнинг боғлиқлиги

№	V_1	$P(V_1)$	V_1'	Z/R	V_1''	V_1'''
1	0,36	0,143	0,052	11,9	$1,3 \cdot 10^{-5}$	$5,19 \cdot 10^{-2}$
2	0,362	0,173	0,063	9,4	$3,0 \cdot 10^{-5}$	$6,27 \cdot 10^{-2}$
3	0,365	0,188	0,069	8,3	$5,7 \cdot 10^{-5}$	$5,84 \cdot 10^{-2}$
4	0,380	0,272	0,10	5,2	$4,0 \cdot 10^{-4}$	$1,0 \cdot 10^{-1}$
5	0,40	0,344	0,138	3,9	$1,5 \cdot 10^{-3}$	$1,4 \cdot 10^{-1}$
6	0,50	0,550	0,275	2,1	$2,2 \cdot 10^{-2}$	$2,5 \cdot 10^{-1}$
7	0,55	0,619	0,34	1,8	$4,4 \cdot 10^{-2}$	$3,0 \cdot 10^{-1}$
8	0,60	0,678	0,41	1,6	$7,9 \cdot 10^{-2}$	$3,3 \cdot 10^{-1}$

$t = 1.81$ ва $t = 2.21$ даражасида Z/R қийматлари жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, оқиш чегараси яқинида таркибида юкоридисперсли заррачалари бўлган композитларга қараганда таркибида никель нанозаррачалари бўлган композитларнинг чексиз кластери анча эгрироқдир. Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, дисперслик қанчалик юкори бўлса, бундай композитларда чексиз кластер шунчалик кўп бўлади. Эгрилик ҳисобига Z/R скелетнинг узунлиги R га нисбатан неча марта катта эканлигини кўрсатади.

Жадвалдан кўриниб турибдики, $P(V_1)$ қиймати оқиш чегарасидан катта V_1 томонга узоқлашган сари ортади. Бу шуни англатадики, никель зарралари ўртасида ҳосил бўлган охириги кластерларга аста-секин қўшилиб борадиган чексиз кластер тобора зичроқ бўлади.

Диссертациянинг “Таркибида никель нанозарралари бўлган композит керамик материалларда ўтказувчанлик механизмининг табиати” номли тўртинчи боб таркибида никель микро- ва нанозарралари бўлган композит керамик материалларда заряд ташувчиларнинг электр ўтказиш механизмини ўрганишга бағишланган.



4-расм. Композицион керамик материалларнинг температуравий боғлиқлиги. Тўлдирувчининг хажмий миқдори 0,220 (1); 0,275 (2) ва 0,315 (3)

4-расмда $V_1 < V_c$ ҳол учун таркибида металл нано зарралари бўлган композитлар электр ўтказувчанлигининг температурага боғлиқлиги 100К дан 450К гача бўлган оралиғида ўрганилди.

Бундай системаларда электр ўтказувчанликнинг температурага боғлиқлигининг табиатини тушуниш учун уларнинг структурасини ўрганиш зарур. Физик нуқтаи назардан, таркибида металл нанозарралари бўлган керамик композитларнинг шаклланиш жараёнини легирланган компенсирланган ярим ўтказгичларга ўхшаш ҳолда дастлабки диэлектрикни металл нанозарралари билан легирлаш натижаси сифатида қараш мумкин. Бу дастлабки керамиканинг таъқиқланган зонасида киришмавий сатҳларга хос бўлган электрон ҳолат юзага келишини билдиради.

Металл нанозарраларининг хажмий миқдорини ошиши уларнинг концентрациясигагина эмас, ўлчамлари бўйича тақсимланишига ҳам таъсир этади. Агар ушбу тасаввур тўғри бўлса, у ҳолда бундай системаларда ўтказувчанлик механизми сакровчан бўлиб, уларнинг температуравий боғлиқлиги қуйидаги тенглама ёрдамида ифодаланиши керак

$$\sigma = \sigma_0' \exp [-(T_0/T)^x], \quad (5)$$

бу ерда, $x = n+1/n+d+1$, $g(\varepsilon) = g_0(\varepsilon - \varepsilon_F)^n$ - локаллашган ҳолат зичлиги, ε_F – Ферми сатҳи, d - фазо ўлчами.

(5) – ифоданинг қўлланилишини текшириш учун одатда $\lg\sigma \sim T^{-x}$ координатада σ нинг T га боғланишлари олинади. 4- расмдан кўринишича, σ нинг T га чизиқли боғланишига фақатгина $\lg\sigma \sim T^{-1/2}$ координаталари эмас, $\lg\sigma \sim T^{-1/3}$ ва $\lg\sigma \sim T^{-1/4}$ координаталарда ҳам эришиш мумкин. Композит материалларда (5) тенгламадаги x ни аниқлаш учун ўтказувчанликнинг келтирилган фаоллашиш энергиясининг температуравий боғлиқлигини

таҳлил қилиш усулидан фойдаландик. x ни аниқлаш учун қуйидаги тенгламадан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган:

$$\lg \omega = B - x \lg T, \quad \omega = 1/T \cdot \partial \lg \sigma / \partial T^{-1} = \partial \lg \sigma / \partial T, \quad (6)$$


бу ерда, $B = \text{const}$, ω – ўтказувчанликнинг келтирилган фаоллик энергияси.

5 - расмда келтирилган чизмаларни $\lg \sigma$ - $\lg T$ координаталарда график тарзида дифференциаллаш билан олинган, композитлар учун температуравий боғлиқлиги ω келтирилган. Ушбу маълумотларга кўра, тадқиқот олиб борилган температуралар интервалида учта турлича температуравий боғланишга эга эканлиги – юқори (I) ва қандайдир ўтиш соҳаси (II) билан ажратилган паст температурали (III) соҳалар мавжудлиги кузатилди.

Ферми сатҳи яқинида локалланган ҳолат зичлиги доимий, яъни $g(\epsilon) = \text{const}$, бўлса у ҳолда $d = 3$ да $n = 0$ бўлиб x нинг (5) қиймати 0,25 га тенг бўлади, у ҳолда (3) тенглама Моттнинг машҳур қонунига айланади (Variable range hopping, VRH).

5 – расмдан кўринишича, юқори температурали $T \geq T_a$ (а эгри чизикдан ўнгда) соҳаларда $x \approx 1$ бўлгандаги $\sigma(T)$ нинг экспоненциал қонунига мос келувчи $\lg \omega$ нинг $\lg T$ га чизикли боғлиқлик соҳаси мавжуд:

$$\sigma = \sigma_0 \exp(-\Delta\epsilon/KT) \quad (7)$$



5-расм. Композицион керамик материалларнинг келтирилган фаоллик энергияси ω нинг температурага боғлиқлиги. Тўлдирувчининг хажмий миқдори 0,220 (1); 0,275 (2) ва 0,315 (3)


Олинган натижаларимизга кўра, (7) ифода ўтказувчанликнинг фаолланиш энергиясига $\Delta\epsilon$ эга бўлган ўтказувчанлик учун мос келади ва унинг қиймати температуранинг T_a дан (а- эгри чизикдан ўнгда) 450 К гача оралиғида ўзгаришсиздир.

5-расмдан кўринишича, етарлича юқори $T \leq T_c$ температураларда (с – эгри чизикдан чапда) текширилаётган намуналарнинг $x \approx 0,5$. бўлгандаги σ

(Т) нинг экспоненциал қонунига мос бўлган $\lg \omega$ нинг $\lg T$ га чизиқли боғлиқлиги кузатилади. Бу ўзгарувчан фаолланиш энергиясига эга бўлган ўтказувчанлик учун (5) тенгламанинг хусусий ҳолига мос келади.

$$\sigma = \sigma_0 // \exp [-(\Delta \varepsilon / KT)^{1/2}] \quad (8)$$

6-расмда таркибида металл нанозарралари бўлган композит керамик материалларнинг энергетик модели берилган.



